

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚЛАРИДАН СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ДОКТРИНАСИ

Мамадалиев А.З.

*Одил судлов академияси мустақил изланувчиси,
юримик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 9-моддаси 5-қисмига мувофиқ, фуқаролар ва юридик шахслар ўз ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида бошқа шахсларга зарар етказишга, ҳуқуқни суиистеъмол қилишга ёки ҳуқуқнинг қонуний мақсадига зид ҳар қандай хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликлари шарт. Бошқача айтганда, ҳуқуқ фақат адолат, виждонлилик ва ҳалоллик тамойилларига таянган ҳолда амалга оширилиши лозим. Ушбу норма мазмунан ҳуқуқни суиистеъмол қилиш ҳам шартномавий, ҳам шартномадан ташқари муносабатларда вужудга келиши мумкинлигини англатади. Бундай вазиятларда учинчи шахс ўзининг ҳуқуқлари бузилганини ёки бузилиши эҳтимолини айнан ана шу ҳуқуқий муносабатлар билан тўғридан-тўғри тўқнашган пайтда англаб етади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳида (ЎЗР ФК 9-моддаси 5-қисми)[1] ҳуқуқни суиистеъмол қилишга мутлақо йўл қўйиб бўлмаслигини белгилаб, унинг аниқ шакллари бошқа шахсга қасддан зарар етказиш, ҳуқуқдан унинг қонуний мақсадига зид равишда фойдаланиш каби ҳолатларни кўрсатиб ўтади. Ҳуқуқни суиистеъмол қилишнинг ушбу шакллари асосида субъектив омил, яъни ҳуқуқдан бошқа шахснинг манфаатига қарши фойдаланиш ёки унинг қонуний мақсадига зид ҳолда фойдаланиш қасди ётади. Агар ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқини амалга оширишда бевосита зарар етказишни асосий мақсад қилиб олса ёки ҳуқуқдан аниқ равишда қонун белгиланган мақсадга зид тарзда фойдаланса, бундай ҳолларда унинг айби тўғридан-тўғри қасд шаклида намоён бўлади. Мазкур жиҳат аниқса интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасида ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим воситаси сифатида намоён бўлади. Чунки, интеллектуал мулк муносабатларида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш тўғридан-тўғри қасд шаклида ва айни вақтда эҳтиёцизлик орқали содир этилиши мумкин.

Шу билан бирга, домен номлари ва интеллектуал мулкка оид ушбу муносабатларда ҳуқуқни суиистеъмол қилиш кўп ҳолларда шартнома билан ўзаро боғланмаган, яъни ҳеч қандай мажбурият муносабатларида қатнашмайдиган шахслар ўртасида содир этилади. Бундай вазиятнинг энг мураккаб жиҳати шундаки, ҳуқуқни қасддан бузувчи субъектни аниқлаш ҳар доим ҳам мумкин бўлмайди. Бу, аввало, домен номларидан фойдаланиш жараёнининг трансчегаравий табиатга эгаллиги, доменларни ҳар қандай юрисдикцияда рўйхатдан ўтказиш имкони мавжудлиги, техник воситалар орқали шахсларнинг ҳақиқий манзили ёки ҳуқуқий мақомини яшириши мумкинлиги билан боғлиқдир.

Шунингдек, интеллектуал мулк ҳуқуқларининг моддий ашёларга хос бўлган “камайиш-кўпайиш”, “йўқотиш-топиш” каби физик мезонлар билан баҳоланмаслиги, уларнинг номоддий ва юридик табиатга эга экани ҳам бундай ҳуқуқбузарликларнинг трансчегаравий тус олишини янада кучайтиради. Интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш муайян ҳудуд ёки жой билан чегараланмайди, аксинча интернет муҳити орқали бутун дунёда бир вақтнинг ўзида амалга оширилади. Айнан шулар туфайли учинчи шахс томонидан ҳуқуқнинг қачон ва қандай бузилганини ёки суиистеъмол қилинганини аниқлаш қийинлашади. Чунки ҳуқуқбузарлик бир вақтнинг ўзида турли ҳудудларда рўй бериши, шу билан бирга виртуал муҳитда яширин тарзда амалга оширилиши сабаб ҳуқуқ эгаси ушбу ҳуқуқбузарлик ҳолатини дарҳол билмаслиги мумкин. Натижада интеллектуал мулк ҳуқуқларини суиистеъмол қилиш ҳолатларини аниқлаш ва ҳуқуқий баҳолаш амалиётда анча мураккаб жараёнга айланади.

Интеллектуал мулк ҳуқуқларини суиистеъмол қилиш амалиётда аксарият ҳолатларда товар белгилари, фирма номлари, домен номлари ва тижорат сирлари билан боғлиқ муносабатларда учрайди. Хусусан, товар белгисига оид ҳуқуқларни виждонсиз тарзда

эгаллаш, унинг тижорий аҳамияти ва обрўсидан ноқонуний фойдаланиш, товар белгисини мазмунан ёки график жиҳатдан ўхшатиб учинчи шахс номига қайта рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, товар белгиларини домен номлари орқали ўзлаштириш, ёки аксинча, домен номларидан фойдаланиб товар белгисига ўхшаш белгиларни рўйхатдан ўтказиш, товар белгиларини рўйхатдан ўтказган ҳолда ундан тегишли мақсадларда фойдаланмасдан учинчи шахсларга зарар етказиш, уларнинг фаолиятини чеклаш, тижорат сирларини виждонсиз тарзда эгаллаш ва тарқатиш каби ҳаракатлар ҳам интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқни суиистеъмол қилишнинг кенг тарқалган шаклларида ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш кўп ҳолларда инсофсиз рақобатнинг махсус шакли сифатида намоён бўлади. Чунки интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқдан қасддан ва виждонсиз тарзда фойдаланиш бошқа бозор иштирокчиларининг манфаатларига бевосита зарар етказди, рақобат муҳитини бузади ва товар, хизмат ёки корхона обрўсини ноқонуний эгаллаш ёхуд ундан асоссиз фойдаланиш орқали инсофли рақобат тамойилларини издан чиқаради. Бундай ҳолатларда “виждонсиз ҳаракат”, “инсофсиз рақобат” ва “ҳуқуқни суиистеъмол қилиш” каби ҳуқуқий категориялар ўзаро боғлиқ ҳолда қўлланилиши мумкин бўлсада, уларни бир-биридан аниқ фарқлаш муҳим. Чунки мазкур тушунчалар доктрина ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида кўпинча биргаликда тилга олинса ҳам, уларнинг ҳуқуқий табиати, таркиби ва келтириб чиқарадиган ҳуқуқий оқибатлари турлича. Интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш одатда субъектив ҳуқуқдан қасддан фойдаланиш орқали бошқа иштирокчига зарар етказишни англатса, инсофсиз рақобат қонунчилиги доирасида махсус ҳуқуқий тартибга солинади. Виждонсиз хатти-ҳаракат эса умумий ҳуқуқий-ахлоқий категория бўлиб, барча фуқаролик муносабатлари учун баҳоловчи мезон вазифасини бажаради.

Шу боис интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқбузарликларни тўғри квалификация қилиш учун ушбу тушунчаларнинг чегараларини аниқ кўрсатиш, уларни бир-биридан тўғри ажратиш ва ҳар бир ҳолатда қайси ҳуқуқий категория қўлланилиши лозимлигини белгилаш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Аввало, “виждонсиз ҳаракат” кенг маънога эга бўлиб, одатда шахснинг умумий ахлоқий меъёрлар, адолат ва инсоф талабларига риоя этмаслигини англатади. Бу тушунча кўп ҳолларда қонунларда аниқлаштирилмаган бўлиб, умумий ҳуқуқий ва этик меъёрларга асосланган баҳолаш категорияси сифатида намоён бўлади. “Инсофсиз рақобат” эса махсус ҳуқуқий институт бўлиб, у фақат рақобат ва монополияга қарши қонунчилиги контекстида баҳоланади. Ушбу ҳуқуқбузарлик ҳолатлари учун қонун махсус юридик оқибатлар, санкциялар ва жавобгарлик чораларини белгилайди. Шунинг учун унинг қўлланиш соҳаси ва ҳуқуқий режими аниқ белгиланган.

“Ҳуқуқни суиистеъмол қилиш” эса, одатда, субъект ўзининг қонуний субъектив ҳуқуқидан фойдаланар экан, бу орқали бошқа иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига қасддан ёки бевосита зарар етказган вазиятларга нисбатан қўлланилади. Бунда ҳуқуқдан унинг қонуний мақсадларига зид равишда фойдаланиш ҳуқуқни амалга ошириш чегарасидан чиқиб кетиш сифатида баҳоланади. Шу боис мазкур категорияларни тўғри чегаралаш жуда муҳим, чунки ҳар бирининг ҳуқуқий оқибатлари, қўлланиладиган қоидалар ва жавобгарлик чоралари бир-биридан фарқ қилади[2]. Н.В. Шереметьева таъкидлаганидек, бу тушунчаларни “бир-бирининг қисми” ёки “бир бутун тизимнинг элементлари” сифатида қараш методологик хатодир. Чунки шахснинг виждонсиз хатти-ҳаракати суд амалиётида ҳар доим ҳам ҳуқуқни суиистеъмол қилиш деб эътироф этилмайди, шунингдек у рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилиши сифатида ҳам баҳоланмайди. Яъни ҳар бир категория мустақил ҳуқуқий мазмунга эга ва унинг қўлланилиш механизми ҳам алоҳидадир[3].

Юқорида келтирилган фикрлар, айниқса Н.В. Шереметьева таъкидлаган концептуал ёндашув, интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқбузарликларни тўғри квалификация қилишнинг муҳим эканини кўрсатади. Дарҳақиқат, “виждонсиз хатти-ҳаракат”, “инсофсиз рақобат” ва “ҳуқуқни суиистеъмол қилиш” каби тушунчаларни ўзаро чалкаштириш уларнинг ҳуқуқий

моҳиятини нотўғри талқин қилинишига, натижада эса тўғри ва аниқ хулоса қилинмаслигига олиб келиши мумкин. Бу айниқса интеллектуал мулк ҳуқуқлар каби нозик, ноанъанавий ва кўп ҳолларда трансчегаравий хусусиятга эга муносабатларда жиддий салбий оқибатларга сабаб бўлади.

Бизнингча, бу ерда асосий масала ушбу тушунчаларнинг тил ва мазмун чегараларининг илмий-ҳуқуқий жиҳатдан етарлича аниқ белгиланмаганидир. Виждонсиз хатти-ҳаракат ахлоқий ва ижтимоий одоб мезонларига зид умумий кўринишни англатувчи кенг тушунча бўлса, инсофсиз рақобат эса рақобат тўғрисидаги қонунчилик билан қатъий тартибга солинган махсус ҳуқуқбузарликдир. Ҳуқуқни суиистеъмол қилиш эса субъектив ҳуқуқнинг қонунан белгиланган чегараларидан чиқиб кетиш, ҳуқуқдан унинг мақсадига зид равишда фойдаланиш билан боғлиқ хусусий ҳуқуқ институти ҳисобланади. Шу сабаб уларни “бир тизимнинг қисмлари” сифатида талқин қилиш методологик жиҳатдан ҳам нотўғри бўлади.

Илмий адабиётларда интеллектуал мулк ҳуқуқларини суиистеъмол қилиш концепцияси турли давлатларнинг ҳуқуқий доктриналари ва илмий мактаблари нуктаи назаридан, яъни қиёсий-ҳуқуқий таҳлил асосида атрофлича шарҳланади ва тадқиқ этилади. Масалан, Россия цивилистикасида В.П. Мозолин, Е.А. Суханов, А.П. Сергеев, О.С. Иоффе ва Д.В. Ломакин каби йирик олимлар интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш масаласини алоҳида ўрганиб, унинг назарий-ҳуқуқий асосларини фуқаролик ҳуқуқининг умумий принциплари виждонлилик, адолат ва ҳуқуқнинг ижтимоий вазифаси билан узвий боғланган ҳолда талқин қиладилар.

Россия илмий доктринасида устувор ғоя шундан иборатки, интеллектуал мулк ҳуқуқларидан фойдаланиш қонуннинг формал талабларига эмас, балки ушбу ҳуқуқнинг ижтимоий-иқтисодий мақсадларига, виждонлилик ва адолат принципларига мос келиши шарт. Ҳуқуқ эгасининг ҳаракатлари интеллектуал мулк ҳуқуқининг моҳиятидан четга чиқса, рақобат муҳитини бузса, бозорда ноқонуний устунликка эришишга қаратилган бўлса ёки фойдаланиш мақсади ўрнига тўсқинлик воситасига айланса, бу ҳолатлар ҳуқуқни суиистеъмол қилиш сифатида баҳоланади.

Юқорида баён этилган фикрлар интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш концепцияси Россия ҳуқуқшунослигида қанчалик чуқур ва тизимли тадқиқ этилганини кўрсатади.

АҚШ илмий доктринасида интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш феномени, аввало, “интеллектуал ҳуқуқдан виждонсиз фойдаланиш доктринаси” (IP Misuse Doctrine) орқали изоҳланади. Ушбу доктрина ҳуқуқни амалга ошириш мутлақ эмаслигини, аксинча, унинг рақобатга ва товар бозорида ўрнатилган адолатлилик таъсири нуктаи назаридан баҳоланиши шартлигини қайд этади.

АҚШ олимларининг умумий ёндашувига кўра, интеллектуал мулк ҳуқуқлари қонуний мустаҳкамланган бўлишига қарамай, улардан фойдаланиш ижтимоий вазифага ва эркин рақобатлашиш қоидаларига мос келиши шарт. Агар ҳуқуқ эгаси ушбу вазифалардан четга чиқса, ҳатто формал жиҳатдан қонунга зид бўлмаса ҳам, унинг ҳаракатлари интеллектуал мулк ҳуқуқини суиистеъмол қилиш сифатида баҳоланади. Бу ёндашувнинг моҳияти О.С. Иоффе таъкидлаганидек, “ҳуқуқнинг ташқи қонуний шакли эмас, балки унинг ички ижтимоий моҳияти ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигидир”.

Европа илмий доктринасида ҳам Томас Дрейер (Thomas Dreier), Пьер Сиринелли (Pierre Sirinelli), Густаво Гидини (Gustavo Ghidini), Лайонел Бэнтли (Lionel Bently), Бред Шерман (Brad Sherman), Хайке Швайцер (Heike Schweitzer) каби қатор етакчи ҳуқуқшунос олимлар интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш масаласини таҳлил қилиб, унинг назарий асослари, амалий жиҳатлари ва рақобат ҳуқуқи билан ўзаро боғлиқ жиҳатларини атрофлича ўрганганлар.

Шу тарзда, юқоридаги учта мактабни Россия, АҚШ ва Европа илмий доктринасидаги ёндашувларни ўзаро боғлаб умумий хулоса қилиш мумкинки, интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш феноменини тўлиқ, тизимли ва кўпқиррали равишда англаш

учун уларни рақобатдош эмас, балки ўзаро тўлдирувчи, бир-бирини бойитувчи илмий йўналишлар сифатида қабул қилиш зарур.

Юқоридаги таҳлиллар интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш ҳодисаси оддий ҳуқуқбузарлик эмас, балки виждонлилик, адолат, ҳуқуқнинг ижтимоий вазифаси, рақобат эркинлиги ва рақамли иқтисодиёт тамойиллари ўзаро кесишувида жойлашган комплекс, кўпқиррали ва трансэгаравий феномен эканини яққол намоён қилади.

АДАБИЁТЛАР.

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Т.: «Vektor-Press», 2010. – Б. 31.
2. Прохоров В.А. Злоупотребление правом при обращении в суд с исковым заявлением о взыскании компенсации за нарушение исключительного права на товарный знак. Вестник удмуртского университета. 2024. Т. 34, вып. 4. – С.709.
3. Шереметьева Н.В. Недобросовестность в вещном праве: монография. М.: Проспект, 2023. – С.136.
4. Merges, R. P. Justifying Intellectual Property. Harvard University Press, 2011, pp. 115–142. Merges, R. P. “The Trouble with Trolls: Innovation, Rent-Seeking, and Patent Law Reform.” Berkeley Technology Law Journal, vol. 24, 2009, pp. 1583–1621.
5. Samuelson, P. “DRM {and, or, vs.} the Law.” Communications of the ACM, vol. 46, no. 4, 2003, pp. 41–45. Samuelson, P. “Intellectual Property and the Digital Economy: Why the Anti-Circumvention Regulations Need to Be Revised.” Berkeley Technology Law Journal, vol. 14, 1999, pp. 519–566.
6. Rosenberg, A. “The Anatomy of IP Misuse.” IDEA: The Law Review of the Franklin Pierce Center for IP, vol. 53, 2013, pp. 1–56. Rosenberg, A. “Exploring the Role of Economic Harm in IP Misuse Doctrine.” Journal of Intellectual Property Law, vol. 22, no. 2, 2015, pp. 201–234.

РЕЗЮМЕ:

Мазкур мақолада интеллектуал мулк ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш феномени Россия, АҚШ ва Европа илмий мактаблари доирасида киёсий-ҳуқуқий таҳлил асосида ёритилди.

Калит сўзлар: интеллектуал мулк, ҳуқуқни суиистеъмол қилиш, инсофсиз рақобат, товар белгиси, домен номи, рақамли муҳит, киберсквоттинг, патент троллинг.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье на основе сравнительно-правового анализа в рамках научных школ России, США и Европы освещен феномен злоупотребления правами при реализации прав интеллектуальной собственности.

Ключевые слова: интеллектуальная собственность, злоупотребление правами, недобросовестная конкуренция, товарный знак, доменное имя, цифровая среда, киберсквоттинг, патентный троллинг.

RESUME:

In this article, the phenomenon of abuse of rights during the implementation of intellectual property rights was highlighted on the basis of a comparative legal analysis within the framework of scientific schools of Russia, the USA and Europe.

Keywords: intellectual property, rights abuse, unfair competition, trademark, domain name, digital environment, cybersquatting, patent trolling.